ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

5620200 – Агрономия таълим йўналиши битирувчи курс талабаси

Рахимов Олимжоннинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***МАВЗУ*: «Кузги буғдой ҳосилдорлигига суғориш тартиби, ўғитлаш меъёрини таъсири»**

Илмий раҳбар, қ.-х.ф.н., доцент Д.С.Нормуродов

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
(- йиғилиш)
кафедра мудири, доцент
_____ Д.С.Нормуродов
«____» ____ 2011 йил

Агрономия факультети
декани, доцент
_____ М.А.Ҳайитов
«____» _____ 2011 йил

САМАРҚАНД – 2011

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
“ЎСИМЛИКШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ № 10 – СОНЛИ
ЙИҒИЛИШИНИНГ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

“03” май 2011 йил **Самарқанд шаҳри**

ҚАТНАШДИЛАР:
Кафедра мудири, доцент Д.Нормуродов,
профессор Н.Халилов, доцентлар,
А.Ботиров, А.Ҳамзаев, ассистентлар
Б.Мавлонов, Н.Равшанова, Ғ.Обруев

КУН ТАРТИБИ

Агрономия 5620200- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича) таълим йўналиши битирувчиси 4 - курс талабаси Рахимов Олимнинг “Кузги буғдой ҳосилдорлигига суғориш тартиби, ўғитлаш меъёрини таъсири” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Тингланди: 1. Кун тартибидаги масала юзасидан кафедра мудири, доцент Д.С.Нормуродов сўзга чиқиб, ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 09.06.2010 йил 225 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий иши” тўғрисидаги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК ҳимоясига тавсия этилиши кераклиги айтилди. Шундан сунг, 4 – босқич талабаси Рахимов Олимга битирув малакавий ишини мазмунини таништириш учун сўз берилди.

Рахимов Олим ўзининг битирув малакавий ишининг мавзусини долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот ўтказиш услублари ва натижалари билан таништириб, қилинган асосий хулоса ва тавсияларни ўқиб берди.

Шундан сўнг, кафедра профессор – ўқитувчилари – Н. Халилов А.Ботиров, Б.Мавлонов, Ғ. Обруевлар Рахимов Олимга мавзу юзасидан 4-5 та саволлар берилди ва битирувчи бу саволларга тегишлича жавоб қайтарди.

Муҳокамада иштирок этган доцентлар А.Ботиров, Б.Мавлоновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганларидан сўнг қуйидагича

Қарор қилинди:

1. Агрономия факултети битирувчиси Рахимов Олимнинг малакавий иши мавзусини долзарблиги, бажарилган ишининг якунланганлигини, хулоса ва таклифлар ишининг мазмунидан келиб чиққанлигини ва у барча кўрсаткичлар бўйича ДАК талабига жавоб беришини инобатга олиб, ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Йиғилиш раиси, доцент Д.С.Нормуродов

Котиба Г.Улуғмуродова

Мундарижа

бет

Кириш .....

1. Адабиётлар шархи.

1.1. Кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига сугориш тартибини боғлиқлиги.....

1.2. Кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига сугориш тартиби ва ўғитлаш меъёрини таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили.....

1.3. Кузги буғдойнинг биологик хусусиятлари.....

2. Кузги буғдойнинг давлат реестрига киритилган навлари тавсифи.....

3. Сугориладиган ерларда кузги буғдойни етиштириш технологияси.....

4. Кузги буғдойни суғориладиган ерларда етиштириш технологик харитаси...

5. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари.....

6. Жаҳон молиявий –инқирози, Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларни ғаллачиликка ижобий таъсири.....

7. Ҳаёт хавфсизлиги чора тадбирлари.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИЛОВА интернет маълумотлари.....

Кириш

Мамлакатимиз аҳолисининг дон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ўсиб бориши дон етиштиришни кўпайтириш ҳамда унинг сифатини оширишни тақоза этади.

Бугунги кунда Республикамизда суғориладиган ерларда кузги буғдой ҳосилдорлиги жуда кўп хўжаликларда ўртача гектаридан 30-40 ц ни ташкил этмокда, аммо интенсив буғдой навларининг потенциал ҳосилдорлиги гектаридан 100- 120 ц ташкил қилади. Потенциал ҳосилдорлик ва амалдаги ҳосилдорлик ўртасида бундай катта фарқни асосий сабабларидан бири етиштириш технологиясининг шу жумладан кузги буғдойни ўғитлаш ва суғоришнинг илмий асослари ишлаб чиқилмаганлигидир. Ўсимликни ўсув даврида етарли намлик билан таъминлаш кам сув сарфлаган ҳолда ҳосилдорликка путур етказмасдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш бугунг и кунда мамлакатимиз ғаллачилигидаги асосий муаммолардан биридир. Бинобарин, кузги буғдойнинг биологик хусусиятларини, минтақанинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитлар - азот, фосфор ва калийнинг энг мақбул меъёрларини ҳамда суғориш тартибларини аниқлаш ўрганиш, аниқлаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш дон етиштиришдаги энг долзарб муаммодир.

1996 йилнинг 7 августида Ўзбекистон Республикси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам деҳқончиликни шунингдек ғаллачиликни кимёлаштиришни кучайтиришда муҳим қадам бўлди.

Деҳқончиликни кимёлаштириш – экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим воситаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали йўлидир.

Ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳисобига Англияда 1982 йилда кузги буғдойдан рекорд ҳосил – 156,5 ц/га дон олинган. Германия фермер

хўжаликлардан бирида 72 га майдондаги ўртача ҳосилдорлик 101,3 ц ни ташкил қилган.

Ўғитлар самарадорлиги одатда экинлардан олинадиган қўшимча ҳосил миқдори билан белгиланади. Республикамизда амалга оширилган илмий изланишларнинг натижаларига кўра, 1 ц минерал ўғит ҳисобига гектаридан 10 – 13 ц қўшимча дон ҳосили олиш мумкин.

Экинлардан олинадиган ҳосилнинг қарийиб ярми (баъзи ҳолларда 60 – 70 % и) минерал ўғитлар ҳисобига олинади. Аксарият экинларда ўғит қўллаш билан боғлиқ 1 сўмлик сарф ҳаражат 2 – 3 сўм бўлиб олинган қўшимча ҳосил ҳисобига ошиқчаси билан қопланади.

Ишнинг мақсади- республикамиз ва хорижда ўтказилган тадқиқот натижаларини илмий мнбалардаги маълумотлар асосида умумлаштириб, таҳлил қилиб буғдойни ўғитлаш, сугориш бўйича тасиялар ишлаб чиқиш.

БМИнинг вазифалари- кузги буғдойнинг мофологик, биологик хусусиятлари, навлар, ўғитлаш ва суғоришни ҳосилдорликка боғлиқ эканлигини ва уни ошириш бўйича таҳлил қилиш ҳамда хулосалар қилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Мазкур битирув иши реферат талаблари асосида бажарилди. Уни бажаришда янги адабитлар интернет маълумотлапридан фойдаланиди. БМИни бажаришда Ахборот ресурс макази ва яқиндан ёрдамлашган Ўсимликшунослик кафедрасининг профессор-ўқитувчиларига ўзимнин самимий миннатдорчилигимни билдираман.

1. Адабиётлар шархи.

1.1. Кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига сугориш тартибини боғлиқлиги.

Кузги буғдойни ёмғирлатиб ва тупроқ устидан суғориш кенг тарқалган. Тупроқ устидан суғориш – эгатлатиб ва далани тахталарга бўлиб суғоришга бўлинади: эгатлаб суғорилганда тупроқ жўякнинг тагидан ва деворларидан бир текис намланади. Бу усулда сув тежаб сарфланади, ҳамда ўсимлик атрофида қатқалоқ ҳосил бўлмайди ва сув тупроқдан кам буғланади.

Буғдойни экишда эгатлар бир йўла олинади. Бунинг учун сеялкага эгатлар оладиган мосламалар ўрнатилади. Эгатларнинг оралиғи тупроқни сув ўтказиш хусусиятига қараб белгиланади. Механик таркиби енгил тупроқларда эгатлар оралиғи 50 –60 ўртача бўлганда 60 –80, оғир тупроқлардан 70 –90 см қилиб олинади. Эгатлар йўналиши далани нишаблиги ва буғдой ўстиришдаги механизация ишларини ўтказишни ҳисобга олган ҳолда белигиланади. Олдин уруғлар эқилиб кейин эгатлар олинса эгат ичидаги майсалар жуда кам ҳосил бўлиб, ҳамма ўсимликлар бир хил озиқланиш майдонига эга бўлмайди.

Тахталаб суғориш – Ўзбекистонда бошоқли дон экинларини суғоришда қадимдан қўлланган. Бу усулда махсус мосламалар билан дала тахталарга (полоса) бўлинади. Тахталарни икки четига баландлиги 20-30 см қилиб увотлар олинади. Бундай тахталарни эни тупроқни сув ўтказиш хусусиятига қараб 3,6;7,2;10,8 м бўлади. Сувни ўтказиш хусусияти паст тупроқларда тахталар энсиз қилиб олинади. Тахталаб суғориладиган бир гектарга сарфланган сув миқдори кўп бўлади, тупроқни захлаши, намиқиши кам бўлади ва қатқалоқ ҳосил бўлади. Шўр тупроқларда бу усул юқори самара беради.

Илғор хўжаликларда кейинги йилларда кузги буғдойни ёмғирлатиб суғориш кенг тарқалмоқда. Эгатлаб ва тахталаб суғоришга нисбатан ёмғирлатиб суғориш бир қатор афзалликларга эга. Уни турли хил

релъефлардаги барча тупроқларда қўллаш мумкин. Ёмғирлатиб суғоришда эгатлар, ўқ ариқлар олинмайди, сув дала бўйлаб бир текис тақсимланади, ердан самарали фойдаланилади. Эгатлаб суғоришга нисбатан 60 % ва ундан ортиқ сув тежалади, тупроқ шўрланмайди.

Кузги буғдойдан юқори ҳосил олишда ўсимликни ўсиши, ривожланиши давомида уни оптимал миқдорда сув билан таъминлаш зарур. Бунинг учун нам тўплайдиган суғоришлар ва ўсув давридаги суғоришлар билан тупроқдаги намлик чекланган дала нам сиғимининг 60 % дан енгил, 70 % дан ўртача ва 80 % дан оғир тупроқларда кам бўлмаган ҳолда ушлаш керак. Тупроқ намлиги кўрсатилган миқдордан камайса ўсимликни сув билан таъминлаш ёмонлашади. Тўқималарда сувнинг камайиши, физиологик жараёнларни ўтишини бўзилиши оқибатида маҳсулдорлик кескин камаяди.

Механик таркиби ўртача тупроқларда тупроқдаги намлик чекланган дала нам сиғимининг (ЧДНС) 60 % дан камайса, ўсимликни фақат ҳаёти таъминланади, аммо юқори маҳсулдорлик шаклланиши учун қулай шарт – шароит яратилмайди.

С.М.Альпатевнинг (1965) кўрсатишича кузги буғдойнинг ўсиши давомида 3-4 кун нам билан етарли таъминланмаса ҳосил 19 % га 8 –9 кунда 28 % га камаяди. Шунинг учун буғдой ўстиришда, тупроқ намлигини чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) ўсимлик ўсишини айрим даврдларида ҳам 60 % дан камайишига йўл қўймаслик керак. Нам танқислиги айниқса найчалаш, бошоқлаш, доннинг тўлиши фазаларида ҳосилдорликка кучли салбий таъсир кўрсатади.

Зарафшон водийси ва Қашқадарё вилоятида ўтказилган тажрибаларда, кузги буғдой учун тупроқни муқобил намлиги тупроқдаги намлик ЧДНС нинг 70- 80 % кам бўлмаганда яратилиши аниқланган.

Тупроқдаги намликни муқобил даражада ушлаш учун ёғингарчиликлар, тупроқ шароити ҳисобга олинган ҳолда суғоришлар сони ва меъёри турлича белгиланади. Суғоришлар сони ва уларни ўтказиш муддати тупроқда ўсимлик ўзлаштира оладиган намлик захирасидан келиб

чиқиб белгиланади. Ёғингарчиликлар кам бўлиб, ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлса кўп, аксинча баҳор ва ёз салқин ҳамда сернам бўлса кам суғоришлар талаб қилинади. Тупроқдаги намликни оптимал даражада сақлаш учун сернам йиллари икки –уч, ўртача қуруқ ва қуруқ келган йиллари 3 – 5 суғориш ўтказилади. Сизот сувлари юза жойлашган майдонларда суғоришлар камайтирилади.

Биринчи суғориш найчалаш фазасида ўтказилади бу фазада бошоқнинг катталиги ва ундаги бошоқчалар сони аниқланади. Найчалаш фазасида (апрел) тупроқдаги кузги, қишки сув захиралари ўсимликнинг яхши ривожланиши учун етарли бўлмайди.

Биринчи суғоришни ўтказишда тупроқдаги намликни пастки чегараси билан ҳароратда физиологик жиҳатдан ортиқча бўлиши, аксинча ҳарорат юқори бўлганда физиологик кам бўлиши мумкин. Шунинг учун биринчи сув эрта баҳорда ўтказилганда (март охирида) тупроқ ҳароратини пасайтиради бу ўсимлик учун зарарли. Бунда ўсимлик кўп ўсиш массасини ҳосил қилади, улар бир бирини соялатади, ётиб қолиш учун қулай шароит юзага келади, доннинг чиқиши камаяди. Аксинча баҳор кеч келганда, ҳарорат кескин кўтарилиб гаремсел бўлганда биринчи суғоришни тупроқ ЧДНС 70 % камайганда ёки эртароқ ўтказиш мумкин. Бундай шароитда ўз вақтида зарур ўсиш массаси, барглар юзаси ҳосил қилинади.

Иккинчи – учинчи суғориш, найчалаш, бошоқлаш, гуллаш даврига тўғри келади. Бу даврлардаги суғоришлар маҳсулдор бошоқни шаклланишига, гуллаш ва уруғланиш учун қулай шароит яратади, экинзор ҳаво намлигини оширади, ҳароратни пасайтиради.

Тупроқда намликни етишмаслиги, юқори ҳарорат ва ҳаво намлигини пасайиши бошоқдаги донлар сонини камайтиради.

Тўртинчи – бешинчи суғориш кўпинча донни ҳосил бўлиш, тўлиш фазаларида ўтказилади. Бошоқлаш фазасида ўтказилган суғориш доннинг тўлишиш фазасига келиб етарли бўлмайди ва улар енгил пуч бўлиб қолади.

Бу даврда тупроқда намлик қанча тез камайса дон шунча енгил, пуч бўлади, ҳосилдорлик камаяди.

Суғориш эрта шунингдек кеч тўхтатиш ҳам ҳосилдорлик пасайишига олиб келади. Суғоришлар сони ёғингарчиликлар, сизот сувлари жойлашиши, тупроқ механик таркибига боғлиқ ҳолда камайтирилиши ёки аксинча кўпайтирилиши мумкин.

Суғориш меъёрлари тупроқдаги намликка, унинг механик таркибига, сизот сувларга далани нишаблигига қараб ўзгаради. Нишаблиги кам, оғир тупроқларда суғориш меъёри оширилса, аксинча енгил, нишаблиги катта тупроқларда камайтирилади.

Суғориш меъёри суғориш усулига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон шароитида кузги буғдойни ўсиш давридаги суғоришлар меъёри эгатлаб ўртача 650 – 750 $м^3$ /га, тахталаб 800-900 $м^3$ /га ёмғирлатиб суғорилганда 450 –500 $м^3$ /га бўлади.

1.2. Кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига сугориш тартиби ва ўғитлаш меъёрини таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили

Буғдойни ўғитлаш ҳамма тупроқларда самаралидир. Кўп йиллик дала тажрибалари ва амалиёт кўрсатдики, донли экинларга ўғит қўлланмаганда ҳосилдорлиги гектаридан 0,8-1,4 т бўлади (Дорофеев ва бошқа, 1983). Кўп йиллик маълумотларга кўра, ҳосилнинг 27-75%и минерал ўғитларни тўлиқ қўллаш ҳисобига шаклланади, бунда тупроқ иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда азотнинг ҳиссаси 17-74% оралиғида бўлади (Халилов 1982; Басманов Зимина 1991; Державин , 1992). Азот буғдой дон ҳосилини оширишда олдинги ўринни эгаллайди (Бухарев , 1972; Хошимов ва бошқа, 1990).

Азот айниқса хлорофилл ва оқсил ҳосил бўлишида буғдойнинг муҳим озиқ элементи ҳисобланади. Шунингдек, у ўсимлик ҳаётида муҳим рол ўйнайдиган, муҳим органик моддалар, яъни нуклеин кислоталар,

нуклеопротеидлар, алколоидлар, фосфатидлар ва кўпгина бошқа моддаларнинг таркибий қисмига киради. (Панников, Минеев 1977).

А.И.Носатовский (1965), Н.Халилов (1994) қайд этишига, азотли ўғитлар барг фотосинтез интенсивлигини узайтиради ва дон пишишини секинлаштиради.

Буғдой мамлакатимизда яқин йилларда ва келажакда ҳам асосий озиқ-овқат экини ҳамда ўсимлик оқсили манбаи бўлиб қолади. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи учун буғдой асосий озиқ-овқат экини бўлиб, ундан бўрсилдоқ, ширин ва ёкимли ҳидли турли навдаги нонлар ёпилади.

Кўп йиллик (Ремесло ва бошқалар, 1977; Созинов ва бошқалар 1980; Ходжақулов, 1992; Халилов, 1994; Бобомирзаев, 2006) бажарилган тадқиқотларда товар дон сифатини оширишда қўлланилган муҳим аҳам иятга эга агротехника лозим бўлиб, бунда асосий рол азотга тегишлидир.

Халилов Н.Х. (1987) юқори сифатли дон шаклланишида тупроқдаги азотнинг муҳим эканлигини инкор этмайди, шуни белгилаб ўтадики, буғдой оқсиллиги муаммоси мураккаб ва муҳимдир. Уни фақат азотли ўғитни тупроққа солишни кўпайтиришга илмий ёндош йўли билан ечиш мумкин.
Суғориладиган ерлардаги тажрибаларда юқори дозадаги ўғитни солиш (гектарига 240 кг) туфайли интенсив типдаги буғдой навларидаги доннинг оқсили сезиларли даражада ошишига эришилмади.

Солинган азот ўсимлик томонидан асосан дон ҳосилини (ҳосилни 52-74% га оширди) кўпайтиришга ва кам даражада доннинг оқсил миқдорини кўпайтиришда фойдаланилди.

Равшанов К., Халилов Н., Бобомирзаев П., Турдиева Н, (1999) тажриба натижалари кўрсатдики, азотли ўғитнинг дозасини ошириб бориш билан хлорофилнинг миқдори, барг юзаси, фотосинтетик потенциал, фотосинез соф маҳсулдорлиги ошди.Аммо суғоришсиз назорат вариантда, азотли ўғит миқдорини гектарига 120 кг дан 180 кг га оширилганда барг юзаси ошмаган, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, фотосинтетик потенциал, ФАР дан фойдаланиш коэффициенти пасайган. Дон ҳосилини кўпайиши ўсимликни

намлик билан таъминланиши ва азотли ўғит дозасини ошириш билан амалга ошган. (1-жадвал)

1 – жадвал

Кузги буғдой фотосинтетик фаолиятининг азотли ўғитлар дозалари ва намлик билан таъминланишига боғлиқлиги
(Санзар – 8 нави, Равшанов К, Халилов Н, Бобомирзаев П,Турдиева Н)

Вариантлар	1 г қуруқ моддада хлорофилл-нинг миқ-дори, мг	Барг индекси, $м^2/м^2$	1 га май-донда Ф.П. млн.$м^2$ кун	Фотосинтез соф маҳсулдорлиги, г/$м^2$ кун	Фотосинтез фаол радиациядан фойдаланиш коэффициенти		
					қуруқ модда т/га	дон да, %	умумий биомассада, %
Назорат (суғоришсиз)							
Назорат	9,5	2,0	1,78	3,17	6,85	0,27	0,78
$P_{90}K_{60}$(фон)							
Фон + 60	10,6	2,3	1,82	3,30	7,65	0,31	0,88
Фон + 120	11,5	2,5	1,86	4,12	8,20	0,34	0,94
Фон + 180	12,7	2,5	1,89	4,02	8,01	0,31	0,93
Нам тўплайдиган суғориш + 70 % ЧДНС							
Назорат $P_{90}K_{60}$(фон)	9,0	2,7	1,91	4,32	12,40	6,52	1,42
Фон + 60	10,1	3,5	2,28	5,14	16,46	0,72	1,85
Фон + 120	11,1	3,8	3,37	5,71	18,96	0,88	2,15
Фон + 180	12,0	4,6	3,41	6,10	21,26	0,96	2,45

Бобомирзаев П., (2006) тадқиқотларида ўтмишдош экин маккажухори дон учун экилган майдонга азотли ўғит меъёрини гектарига 60 кг дан 210 кг гача оширганда ҳосилдорлик ошиб борган. Қашқадрё вилояти шароитида юқори сифатли ҳосил шакллантириш учун азотли ўғитни гектарига 210 кг

меъёрда (N_{60} – экиш билан бирга нам туплайдиган суғоришдан сўнг + N_{90} – эрта баҳорда + N_{60} + бошоқлаш фазасида) бўлиб бериб тупроқ намлигини ЧДНС нисбатан 70 % да ушлаб туриш тавсия этилган.

Жиззах вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида З.Зиядуллаевнинг (1999) тажриба натижаларининг якунига кўра, кузда экилган буғдой учун экишдан олдин P_{60} K_{90} + лифогум$_{400}$ + N_{100} + АТГ қўлланилганда, тавсия этилган N_{180} P_{90} K_{60} нисбатан гектаридан 4 – 6 центнер қўшимча дон ҳосили олинган.

П.Бобомирзаевнинг Қашқадарё вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тажриба натижаларига кўра қаттиқ буғдойнинг «Истиқлол» навида азот меъёрини ошиб бориши билан дон ҳосили ҳам ошиб борган. Фон + N_{240} вариантида ўсимлик ғовлаб кетиши, асосий озиқани вегетатив органлар томонидан ўзлаштирилиши, ётиб қолиши туфайли ҳосилдорлик пасайган.Тажрибаларда азотли ўғит меъёрларининг ошиши билан 1000 та дон массаси, дон натураси пасайиб бориши қонунияти кузатилса, доннинг шишасимонлиги дондаги оқсил ва клейковина миқдори ошиб бориши кузатилади. Бир гектардан олинадиган оқсил ва клейковина ҳосили энг юқори фон + N_{210} вариантда мувофиқ ҳолда гектаридан 9,75 ва 20,46 центнер бўлган.

Хошимов Ф.Х., Аббосов Г.Д. (1990) фикрича кузги буғдой экишда азотли ўғитлар самарадорлигини ошириш учун интрификация ингибиторлари ва секин таъсир этувчи ўғитларни қўллаш зарур. Бу тупроқнинг нитрат билан ифлосланишини пасайтиради, ҳосилдорликни оширади, азот дозасини 20% га ҳосилдорликка путур етказмасдан ишга имкон беради.

Тупроқда фосфорнинг етишмаслиги ўсимлик ўсиши ва ривожланишини секинлаштиради. Фосфор етишмаганда ўсимлик барги қизаради ва аста-секин қурийди. Ўсимликнинг нитратлардан фойдаланишида фосфор катта аҳамиятга эга. Агар у етишмаса, азотдан фойдаланиш ушланиб қолади, оқсил синтези тўхтайди ва ўсимликда оқсил таркибига кирмаган азот

миқдори ошади, унинг етишмаслиги организмда моддалар алмашинувини бўзади. Ўсимликнинг дастлабки ривожланиши даврида фосфорнинг етишмаслигини кейин фосфор билан яхши таъминланганда ҳам тўғрилаб бўлмайди. (Дорофеев ва бошқалар, 1983).

Тупроқ унумдорлиги ва буғдой ҳосилдорлигини ошириш учун солинган фосфорли ўғитнинг самарадорлигини оширишга талаб этилади. Бунинг учун азот ва фосфорнинг узаро нисбати тўғри бўлиши лозим (Ремесло, 1982; Ганжарова ва бошқалар, 1991)

И.С.Сулаймонов (1960) ҳисоблашича, Ўзбекистонда пахта, буғдой ва бошқа экинларнинг фосфорга бўлган талабини ўрганиш буйича тадқиқотлар революциягача бўлган даврда бошланган. Р.Р.Шредер томонидан Туркистон тажриба станциясида (1908-1913 йй) ва Ўзбекистон тажриба станциясида (1925-1928 йй) фосфорли ўғитларни ўрганиш буйича дастлаб тадқиқотлар олиб борилди.

Калий ўсимликда бақувват илдиз тизими ривожланишини, ҳужайрада шакар ва бошқа пластик модда тўпланишини таьминлайди, ноқулай об-ҳаво шароити ва касалликларга чидамлилигини оширади.(Сайко.,1989)

Дон ишлаб чиқаришни кўпайтиришда минерал ўғитларни тўғри қўллаш муҳим омилдир. Калийли ўғитлар ўсимликда углеводни синтез бўлиши, ҳаракатланишида муҳим рол ўйнайди, илдиз орқали намликни ютилишига кўмаклашади, барглардан намликни буғланишини камайтиради, ўсимликнинг сув балансини бошқаради, касалликларга чидамлигини оширади, пишишини тезлаштиради. (Адиньяев, 1985).

Ўсимлик ёш органлари таркибида калий бўлиши билан устунликка эга. Калий баргларда ва кўпайиш органларида, ҳужайра ширасида ва плазмада кўп бўлади. Калий асосан ўсимликда сувда эрийдиган шаклда бўлади. Калий ўсимликнинг бутун ҳаётида унинг ривожланишига таъсир қилади, углеводлар ҳосил бўлишига кўмаклашади. Ўсимлик калий билан яхши озиқланса совуққа, қирғоқчиликка ва касалликларга чидамлилиги ошади. У уруғ ҳосил бўлиши ва пишишини яхшилайди, ўсимликнинг азотдан айниқса

аммаиакдан яхши фойдаланишига имкон беради, ўсимликнинг ён илдизлари ҳосил бўлишига қулайлик туғдиради (Дорофеев ва бошқа. 1983).

Фосфор ва калий ўсимликнинг дастлабки ва кейинги ривожланиш босқичларида зарур бўлиб, унинг дастлабки давридаги етишмаслигини кейинги ривожланиш фазаларида солиш билан тўлдириб бўлмайди (Сайко, 1989).

2 – жадвал

Кузда экилган «Шердор» навининг ҳосилдорлиги
(Тураев М.М)

Вариантлар	Дон ҳосилдорлиги, т/га			
	1993	1994	1995	ўртача
Назорат (ўғитсиз)	3,5	3,3	3,0	3,3
NP 150 ва 100 кг/га (фон)	4,9	5,2	4,6	4,9
К-50+ ФОН	5,4	5,4	4,8	5,2
К– 100+ ФОН	5,7	5,8	5,2	5,6
К – 150 + ФОН	5,8	6,5	5,3	5,7
К – 200 + ФОН	6,0	5,9	5,5	5,8
К – 250 + ФОН	6,1	6,0	5,7	5,9
$ЭКФ_{05}$ т/га	0,30	0,27	0,23	
Р%	1,9	1,7	2,1	

М.М.Тўраев(1999й) Самарқанд вилояти суғориладиган ерларида олиб борган тажриба натижалари кўрсатишича,тупроқ табиий унумдорлигида (ўғитсиз) буғдой дон ҳосилдорлиги гектаридан 3,3 т ташкил қилди. Буғдой ҳосилдорлиги $N_{200P150}$ фонда 4,9 т/га бўлди ёки назорат вариант (ўғитсиз) га нисбатан 1,6га/т қўшимча ҳосил олинди. Калийли ўғит меьёрини К100-250 га/кг ошириш билан ҳосилдорлик ҳам ошишига олиб келди.

3-жадвал

Истиқболи буғдой навлари таҳлили

т/р	Навлар номи	Маъдан ўғитлар меъёри кг/га	1 та бошоқдаги дон сони, дона	1 та бошоқдаги дон вазни, г	1000 та дон вазни, г	Бошоқ узунлиги, см
1.	Санзар-8 (назорат)	$N_{50}P_{50}K_{25}$	38,5	1,3	38,0	7,5
		$N_{100}P_{75}K_{50}$	40,0	1,4	39,4	8,2
		$N_{150}P_{100}K_{75}$	42,0	1,5	41,0	9,1
2.	Авесто	$N_{50}P_{50}K_{25}$	39,1	1,3	38,9	7,7
		$N_{100}P_{75}K_{50}$	41,0	1,4	40,1	8,5
		$N_{150}P_{100}K_{75}$	42,5	1,5	41,3	9,1
3.	Турон	$N_{50}P_{50}K_{25}$	39,5	1,2	37,7	7,9
		$N_{100}P_{75}K_{50}$	42,4	1,4	38,8	8,7
		$N_{150}P_{100}K_{75}$	40,7	1,3	38,8	8,3

Кузги буғдой ўсимлигининг бошоқ узунлиги, бошоқчалари, бошоқдаги дон сони, бир бошоқдаги дон вазни, 1000 та дон вазни дон ҳосилини муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ҳар уч нав варианларида азот-150, фосфор-150, калий-75 кг бўлганда, дон ҳосили назорат навига нисбатан Авестода -3,8% ва Турон навида 11 % га юқори бўлганлиги аниқланди. Бундан кўриниб дурибдики ўғит меъёрининг ошиши эвазига назоратдагига нисбатан Санзар-8 навида-6,6 Ц/ га; Авесто навида-8,3 ц/га ва Турон навида -4,2 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Бунда ўғит меъёри NPK -50-50-25 кг/га бўлгандагина нисбатан: NPK -150-150-75 кг/га бўлганда, Авестода-4,8 ц/га Турон навида-6,9 ц/гаошганлиги аниқланди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Турон нави NPK -150-150-75 кг/га бўлганда, умумий поялар сони ва сомон ҳосилдорлиги ошсада, лекин дон ҳосилдорлиги (2,7 ц/га) камайиши мумкинлиги кузатилди.

Т/р	Навлар номи	Маъдан ўғитлар меъёри кг/га	Дон ҳосили, ц/га	Сомон ҳосили, ц/га
1.	Санзар-8 (назорат)	N_{50} P_{50} K_{25}	56,5	64,4
		N_{100} P_{75} K_{50}	59,0	68,0
		N_{150} P_{100} K_{75}	63,1	75,1
2.	Авесто	N_{50} P_{50} K_{25}	57,0	69,2
		N_{100} P_{75} K_{50}	60,5	73,4
		N_{150} P_{100} K_{75}	65,3	76,6
3.	Турон	N_{50} P_{50} K_{25}	65,9	75,5
		N_{100} P_{75} K_{50}	72,8	80,0
		N_{150} P_{100} K_{75}	70,1	83,2

Олиб борган илмий тадқиқот тажрибаларда дон ҳосилидан ташқари, сомон ҳосили ҳам аниқланган, тажрибадаги кузатув натижаларига кўра суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири сомон ҳосилига таъсирини ўтказганлиги аниқланган.

Тажрибада дон ҳосилидан ташқари, сомон ҳосили ҳам аниқланди. Бунда ҳам дон ҳосилида рўй берган қонуният “Санзар-8” ва “Авесто” навларида такрорланди, лекин “Турон” навида маъдан ўғитларнинг ортиши дон ҳосилига салбий таъсир этиб, сомон ҳосилининг юқори бўлишига олиб келган. Яъни , N_{150} P_{100} K_{75} кг/га бўлганда дон ҳосили камайган бўлсада, умумий поялар ва тупланиш даражаси ошиши эвазига дон ҳосилига нисбатан сомон ҳосили-18, 6 % га ошиши кузатилган.

Истиқболли нав сифатида қаралаётган “Авесто” ва “Турон” навлари Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ташқи муҳитга яхши

мослашганлиги, айниқса касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан юқори баҳоланган.

Тажриба натижаларига асосланиб, бугдой навларининг сув ва озиқ моддаларга бўлган талаби тўлиқ қондирилса, агротехник тадбирлар ўз вақтида тўғри ва сифатли бажарилса, бу навлардан юқори ҳосил олиш мумкинлиги аникланган.

1.3. Кузги буғдойнинг биологик хусусиятлари.

Кузги буғдойнинг уруғлари 1-2 ^{0}С ҳароратда кўкара бошлайди. Аммо бундай ҳароратда бўртаётган буғдойда биокимёвий ва физиологик жараёнлар секин кечади. Ҳароратнинг кўтарилиши билан бу жараёнлар кучаяди, ҳамда кўкараётган муртакка озиқа моддаларнинг келиши тезлашади. Уруғлар униб чиқиши учун қулай ҳарорат 12-20 ^{0}С, ҳароратнинг 30 ^{0}С га етиши уруғларнинг дала шароитида унувчанлигини ва майсаларни қийғос ҳосил бўлишини камайтиради. Тупроқ юза қатламида нам етарли бўлганда, 14-16 ^{0}С да майсалар 7-9 кунда ҳосил бўлади. Суткалик ҳарорат 10 ^{0}С бўлганда майсалар 12 кунда, 20 ^{0}С да экилгандан 5-7 кун ўтгач униб чиқади. Уруғлар униб чиқиши учун оптимал ҳарорат 25 ^{0}С. Ҳароратга, уруғларни экиш чуқурлигига ва намликлигига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ ҳолда экиш-униб чиқиш даври 7 кундан 50 кунгача ва лалмикорликда ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Суғориладиган ерларда кузги буғдой уруғлари оптимал муддатларда нам етарли тупроқларга экилганда 6-8 кунда униб чиқади. Экин униб чиқиш даврида самарали ҳарорат 116-139 ^{0}С ни ташкил қилади. Фотосинтез жараёни учун минимал ҳарорат 3-4 ^{0}С. Ҳароратнинг ортиши ва бошқа шароитлар қулай бўлганда углероднинг ўзлаштирилиши кучаяди. Ҳарорат 35-36 ^{0}С бўлганда ассимилияция жараёни секинлашади.

Самарқанд вилоятининг суғориладиган ерларида ўтказилган тажри-балар, кузги буғдой эрта ва оптимал муддатларда экилганда тупланиш тўла униб чиқишдан кейин 10-18 кун ўтганда кузатилади. Кечки муддатларда униб чиқиш-тупланиш даври кузда бошланиб, баҳорда давом этади. Бундай экинзорларда униб чиқиш - тупланиш даври 70 кун ва ундан ортиқ бўлади.

Суғориладиган ерларда етарли намлик, ҳарорат, озиқа моддалар етарли бўлганда эрта ва оптимал муддатда экилган ўсимлик, куз даврида 3-7 новда

ҳосил қилади. Куз даврида 2-5 та новда ҳосил қилган ўсимликлар яхши қишлаб чиқади.

Тупланиш энергетикасига кузги буғдойнинг нам ва озиқа моддалар билан таъминланиши катта таъсир кўрсатади. Тупланиш тугуни жойлашган тупроқ қатламида намлик етишмаса ён новдалар ҳосил бўлиши кескин камайиши ёки тўла тўхташи мумкин. Сунъий шароитда кузги буғдойнинг Одесса-3 нави 334 тагача поялар ҳосил қилган (В.И.Бондаренко). Дала шароитида битта ўсимликда 5-7 та новда, кечки экиш муддатларида 3 тагача новда ҳосил бўлади.

Тупланиш тугунида ён новдаларнинг ҳосил бўлиши ва ўсиши билан биргаликда бўғин илдизлари (иккиламчи) тизими ҳосил бўлади. Бирламчи (муртак) илдизлардан фарқ қилиб, иккиламчи илдизлар тупланиш тугунидан ривожланади.

Кузги буғдойда тупланиш ҳарорат 2-4 ^{0}С бўлганда секин ўтади. Ҳарорат 5 ^{0}С га ошганда тезлашади. Ҳарорат ошиб бориши билан тупланиш жадаллиги ва иккиламчи илдиз тизими ҳосил бўлиши кучаяди. Аммо ҳарорат 25-30 ^{0}С бўлганда тупланиш тўхташи мумкин. Бу ҳол тупроқ юза қатламининг тез қуриши ва сувнинг транспирацияга сарфланиши билан боғлиқ. Униб чиқиш фазасида баргларнинг шаклланиши ва илдиз тизимининг ўсиши 4-30 ^{0}С ва ундан юқори ҳароратда ўтиши мумкин. Дала шароитида кузги буғдой оптимал муддатда экилганда, тупроқда намлик етарли бўлганда ўртача суткалик ҳарорат 15-17 дан 8-10 ^{0}С гача бўлишига тўғри келади. Кечки экиш муддатларида суғориладиган ерларда ҳам ўсимлик битта-учта барг ҳосил қилиб қишлашга кетади. Униб чиқиш фазаси баҳорда ҳам давом этади. Бундай ҳолларда униб чиқиш фазаси 100-150 кун давом этади.

Тупланиш тугунининг жойлашиш чуқурлиги уруғни экиш чуқурлигига, унинг йириклигига, тупроқ зичлиги ва структурасига тупроқни тайёрлаш сифатига, ҳароратга, намликка, ёруғликка боғлиқ. Бу омиллар қулай нисбатларда бўлганда тупланиш тугуни 2-3 см чуқурликда жойлашади. Униб

чиқиш фазаси охирида булутли ва нам ҳаво бўлса, тупланиш тугуни тупроқ юзасидан 0,5-1 см чуқурликда жойлашади. Зич, структурасиз тупроқларда тупланиш тугуни юза жойлашади. Серқуёш, очиқ ҳаво уни чуқур жойлашишига ёрдам беради.

Қулай шароитда ўртача ҳарорат 8-10 ^{0}С бўлганда найчалаш фазаси бошланади. Ҳароратнинг ошиши билан поя ва барглар ўсиши тезлашади. Бу фазанинг тугаши учун 11 ^{0}С ҳароратда 35-40 кун, ҳарорат 13-15 ^{0}С бўлганда 30-32 кун, 20-25 ^{0}С бўлганда 18-20 кун керак бўлади. Ҳарорат 22-25 ^{0}С ва ундан ортиқ бўлганда ўсиш жараёнлари тезлашади, фазанинг давом этиши қисқаради, аммо тупроқда намнинг етишмаслиги, сув режимининг бўзилишига олиб келади ва поя, баргларнинг ўсишини секинлаштиради. Кузги буғдой ўстириладиган минтақаларда ҳарорат режими ҳар хил. Шу сабабли бу фазанинг тугаши учун ўртача суткалик ҳарорат йиғиндиси 380-500 ^{0}С ташил қилади.

Найчалаш фазасида ўсимликнинг намлик ва озиқа моддалар билан таъминланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Уларнинг етишмаслиги ўсишни, пластик моддалар тўпланишини камайтиради, бошоқнинг шаклланиш шароитини ёмонлаштиради ва натижада ҳосилнинг камайишига олиб келади. Бу даврда ўсимлик учун энг қулай сув режими тупроқ чекланган дала нам сиғимининг 80 % дан кам бўлмаганда ҳосил қилинади.

Самарқанд вилояти шароитида суғориладиган майдонларда кузги буғдой турли муддатларда экилганда бошоқлаш фазаси 25 апрелдан 10 майгача кузатилган. Найчалаш фазасининг бошланишидан бошоқлаш фазасигача 25-30 кун ўтди. Об-ҳаво шароитига қараб бошоқлаш кўрсатилган муддатдан олдин ёки кейин бошланиши мумкин. Салқин, ёмғирли об-ҳавода бошоқлаш найчалаш бошлангандан кейин 36-40 кунда, ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлганда 20-25 кунда бошланади.

Кузги буғдойнинг гуллаши бошоқлашдан 2-3 кун кейин бошланади. Айрим ҳолларда жуда ноқулай шароитларда бошоқ охирги барг қинидан чиқмай гуллаши ва уруғланиши мумкин. Бундай ҳол кучли қурғоқчилик

ҳамда юқори ҳароратда кузатилиб, поя охирги бўғин оралиғининг ўсишдан тўхташи билан боғлиқ. Салқин, ёмғирли об-ҳавода бошоқлаш ва гуллаш ўртасидаги давр 5-8 кунга етиши мумкин. Битта бошоқ 3-5 кун, экинзордаги бошоқлар 6-7 кун гуллаб туради. Энг кўп гуллар, гуллашнинг бошланишидан 2-3 кун ўтгач кузатилади ва охирига келиб камаяди.

Буғдой чанглари уруғчига келиб тушмаса яшовчанлигини тез, 2-3 соатда йўқотади. Уруғчилар эса чангни қабул қилиб олиш қобилиятини 6-8 кун давомида сақлайди.

Гуллаш ва уруғланиш 11-30 ^{0}С ҳароратда меъёрида ўтади. Улар ҳаво ҳарорати 20-25 ^{0}С бўлганда жадал ўтади. Тупроқда нам етарли, ҳаво ҳарорати 25-30 ^{0}С бўлса ҳам гуллаш ва уруғланиш меъёрида ўтади. Бошоқлаш, гуллаш, уруғланиш фазаларининг давомийлиги 5-8 кундан 10-12 кунгача ўзгаради.

Кузги буғдой июнда, тоғли минтақаларда июлда пишиб етилади. Доннинг шаклланиш даврида ҳарорат 21-23 ^{0}С бўлса, доннинг ўсиши жа-даллашади унинг давомийлиги қисқаради. Ўзбекистон шароитида доннинг тўлиши ва пишиб етилиш даври юқори ҳарорат бўлган шароитда ўтади. Ҳаво ҳарорати Ғаллаоролда 35 ^{0}С баъзан 40 ^{0}С га кўтарилади. Бундай ҳолда ўсимликлар юқори ҳароратдан зарарланади.

Намга талаби. Кузги буғдой кузги арпага ва баҳори буғдойга нисбатан ўсиш даврида намликни анча кўп сарфлайди. Бу ўсиш даври узунлиги ва ҳосил умумий массасининг юқорилиги билан боғлиқ.

Ўсимлик ўсиши учун энг қулай шароит тупроқдаги намлик чекланган дала нам сиғимининг 75-80 % дан кам бўлмаганда яратилади. Кузги буғдойнинг тупроқдан нам ўзлаштириши тупроқдаги намлик сўлиш намли-гига тенг бўлганда тўхтайди. Тупроқнинг механик таркиби, сув физик хоссалари ва кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда сўлиш намлиги тупроқ мутлақ қуруқ массасининг оғирлигига нисбатан ўзгаради. Бу намлик қумли тупроқларда 1-3, қумоқ ва енгил қумоқ тупроқларда 3-5, ўртача ҳамда оғир қумоқ тупроқларда 6-12, соз тупроқларда 12-18 дан 22 % гачани ташкил этади. Кузги буғдой ўсиш даврида етиштириш шароитига қараб

лалмикорликда 2000-4000 м^3/га, суғориладиган ерларда 6000 м^3/га ва ундан кўпроқ сув сарфлаш мумкин.

Кузги буғдойни далада ўстириш давомида ўсимлик сарфлайдиган сувни, тупроқдан буғланаётган сувдан фарқ қилиш қийин. Шунинг учун маълум бирликдаги майдондан сарфланган сувни, дон ёки умумий ҳосил массасининг катталигига солиштирилиб ҳисобланади. Бу кўрсаткич кузги буғдойни ўстириш шароитига боғлиқ ҳолда умумий масса учун 400-600, дон учун 800-1200 м^3/т бўлади.

Кузги буғдойнинг ўсиш даври давомида сувга талаби ошиб боради. Уруғларнинг бир текис, қийғос униб чиқиши учун тупроқнинг 10 см қалинлигида намлик 10 мм дан кўп бўлиши талаб қилинади. Майсаларга, уларнинг сув буғлантирадиган барг юзаси кам бўлганлиги учун кам сув керак. Ўсимлик энг кўп сувни найчалашдан доннинг сут пишишигача сарфлайди.

Кузги буғдойнинг сув сарфлашига ўсимлик ўсув органларининг бақувват ривожланганлиги, экиш муддатлари, меъёрлари, суғориш ва бошқа агротехник омиллар таъсир кўрсатади.

Суғориладиган ерларда ўсимликнинг бақувват ривожланганлигига экиш муддатлари сезиларли таъсир кўрасатади. Зарафшон воҳаси ва республикамизнинг жанубий минтақасига кирувчи Қашқадарё вилоятлари шароитида ўтказилган тажрибаларда эрта экилган кузги буғдой ер усти массаси, кеч экилагандагига нисбатан кўп бўлади. Баҳорги-ёзги ўсиш даврида жуда эрта муддатда экилган ўсимликлар қишда зарарланганлиги учун уларнинг ўсиши баҳорда кучсизланади ва сувни кам сарфлайди.

Илмий адабиётларда ўсимликнинг найчалаш фазаси сувга энг талабчан (критик) давр ҳисобланади. Аммо буғдой ўсиш даврининг бошқа фазаларида ҳам етарли миқдорда намлик бўлишини талаб қилади. Тупланишда нам етишмаса барглар, поялар ҳосил бўлиши кечикади, илдиз тизими кучсиз ривожланади, ўсимлик қишлашга яхши ривожланмасдан кетади. Найчалашда ўсимлик етарли миқдорда намлик олмаса барглар, пояларнинг бўғин оралиғи

ўсишдан тўхтайди, биомасса ўсиши кам, ўсимликнинг бўйи паст бўлади. Бу фазада намнинг етишмаслиги генератив органларнинг ҳосил бўлишини бўзади, дон ҳосил қилмайдиган гуллари кўп бўлишига ва умумий масса ҳамда доннинг кам бўлишига олиб келади. Намликнинг гуллаш ва уруғланиш даврида етишмаслиги ҳам дон ҳосилини камайтиради. Доннинг шаклланиши ва тўлишиш даврида ўсимлик етарли миқдорда намлик билан таъминланмаса донлар енгил, пуч бўлиб қолади. Суғориладиган ерларда кузги буғдой донининг шаклланиши ва тўлиши даврида тупроқнинг намлиги чекланган дала нам сиғимининг 70 % дан кам бўлмаслиги оптимал ҳисобланади.

Тупроққа талаби. Кузги буғдойнинг бошқа ғалла экинларига нисбатан тупроққа талабчанлиги юқори. Унинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун тупроқ муҳити нейтрал (бетараф – pH - 6-7,5) бўлиши керак. У тупроқнинг унумдор, бегона ўтлардан тоза ва етарли намликка эга бўлишига талабчан. Буғдой энг барқарор ва юқори ҳосилни унумдорлиги юқори қора тупроқларда, тўқ каштан тупроқларда беради.

Буғдой шўрланган тупроқларда яхши ўсмайди. Эрозияга учраб тупроғи ювилган нишаб ерлар, қумли тупроқлар буғдой экиш учун қулай эмас. Кузги буғдой ўстиришда рельеф ҳам катта аҳамиятга эга.

Ёруғликка талаби. Ёруғлик буғдой ўсимлиги ҳаётининг энг муҳим омилларидан биридир. Ёруғлик кунининг узунлиги, ёруғликнинг интенсивлиги ва унинг спектр таркиби, фотосинтез интенсивлигига, органик моддаларнинг тўпланишига, ўсимликнинг ўсишига, ривожланишига, айрим органларнинг шаклланишига таъсир қилади. Ёруғлик барглар тупроқ юзасида пайдо бўлмасдан ўсимликка таъсир кўрсатади. Интенсив ёруғликда калеоптил тупроқ юзасига чиқмасдан ўсишни тўхтатади. Булутли, қуёш ёруғлик куни қисқа шароитда калеоптил тупроқ юзасига чиқиши ҳам мумкин.

Кузги буғдой узун кун ўсимлиги. Баҳорда, ўсиш даврида 13-14 соатдан кам бўлмаган ёруғлик куни ўсимликнинг кўп миқдорда пластик моддалар

тўплаши, биомассанинг тўпланиши ва ёруғлик стадиясини тез ўтишига ёрдамлашади.

Серқуёш, булутсиз, очиқ об-ҳаво, етарли намлик доннинг шаклланиши, пишиб етилишида, юқори ҳосил олишда муҳим омиллар ҳисобланади.

Маъданли озиқланишга талаби. Кузги буғдой бошқа дон экинларига нисбатан тупроқдаги озиқа моддаларнинг ўзлаштириладиган шаклда бўлишига талабчан. Дала шароитида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши жадаллигининг паст бўлиши, тупроқда асосий озиқа элементлари, азот, фосфор, калийнинг етарли бўлмаслиги сабабли юзага келади. Айрим типдаги тупроқларда меъёрида ўсишнинг бўзилишига бошқа озиқа элементлари, шу жумладан микроэлементларнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Кузги буғдой азотга талабчан.

Азот. Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосили шаклланишида азот катта аҳамиятга эга. Азот оддий ва мураккаб оқсиллар, аминокислоталар, нуклеин кислоталари, хлорофилл, алкалоидлар, айрим витаминлар, ферментлар ва ҳужайрадаги айрим органик бирикмалар таркибига киради. Озиқланиш муҳитида азотнинг етишмаслиги, шунингдек, ортиқчаси ҳам ўсимлик айрим органларининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Ортиқча азотли озиқланиш, бақувват ўсиш массасини шаклланишига ва илдиз тизими билан ер усти массаси нисбатининг бўзилишига, ўсиш даврининг узайишига, ётиб қолишга ҳамда ўсимликнинг замбуруғ касалликларига чидамлилигининг пасайишига сабаб бўлади. Бошқа озиқа элементлари билан балансланмаган кучли азотли озиқланиш ҳосилнинг камайишига, доннинг экинбоплик, нон ёпиш сифатларининг ёмонлашишига олиб келади.

Кузги буғдой ўсув даврида гектаридан 50-60 ц дон шакллантириши учун тупроқдан 180-220 кг азот ўзлаштиради.

Фосфор. Кузги буғдой ҳаётида фосфор ҳам катта аҳамиятга эга. У кўп органик бирикмаларнинг таркибига киради. Бу органик бирикмалар ўсишда,

кўпайишда, синтезда, ирсиятни берилишида муҳим вазифани бажаради. Ўсимликни фосфор билан таъминланганлигига жуда кўп физиологик биокимёвий жараёнларни меъёрида ўтиши, ётиб қолишга, совуққа, қурғоқчиликка чидамлилик, ўсув даврининг давомийлиги боғлиқ.

Кузги буғдой азотга нисбатан фосфорни кам талаб қилади. Гектаридан 50-60 ц дон ҳосили олиш учун ўсимлик тупроқдан 65-80 кг фосфор (P_2O_5) ўзлаштиради.

Калий. Кузги буғдой ҳаётида калийнинг вазифаси хилма хил. У фотосинтез меъёрида ўтишига, ёғларнинг тўпланишига, ўсимликларда углеводларнинг кўчиб юришига, ўсимликнинг ётиб қолишга, шунингдек, совуққа ва қурғоқчиликка чидамлилигини оширишга ёрдамлашади.

Кузги буғдой калийни тупроқдан униб чиқишидан гуллаш фазасигача ўзлаштиради. Калийнинг ўсимлик томонидан энг жадал ўзлаштирилиши найчалаш бошоқлаш даврига тўғри келади. Кузги буғдой гектаридан 50-60 ц дон ҳосили шакллантириши учун тупроқдан 115-140 кг калий ўзлаштиради.

2. Кузги буғдойнинг давлат реестрига киритилган навлари тавсифи.

Ҳосилдор (Санзар-8) (V. greacum). Грекум турига мансуб. Нав К-50729 х Безостая-1 дурагай комбинацияларидан танлаш йўли билан Ўзбекистон "Дон" ИИЧБ да яратилган. Кузги, вегетация даври ўртача 228 кун, қишга чидамли. Донларнинг тўкилишига ва ётиб қолишга бардошли. Қишлоқ хўжалик касалликлари ва ҳашоратлари билан аввалги синов йиллари кучсиз даражада зарарланди, лекин қоракуя билан кучли даражада зарарланишга мойил. Бошоғи призмасимон, ўртача узунликда ва зичликда. Қилтиғи тарқоқ, оқ дағал. Донининг 1000 донасининг вазни 42,5 г. Доннинг тегирмонда тортилиш ва унининг нон ёпиш сифатлари яхши. Қурғоқчиликка, замбуруғ касалликларига чидамли. Дон таркибида оқсил миқдори 11,2-13,7 %, клейковинаси-24,0-31,0% ИДК 85-95ед.

1996 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларида кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Тезпишар (V. eritrosermum). Ўзбекистон "Дон" ИИЧБ да Безостая-1 х Грекум 646 навларини чатиштириш ва дурагайларни танлаш йўли билан олинган. Дуварак. Бошоғи қилтиқли, оқ, тўқсиз, шакли цилиндрсимон, узунлиги 8-10 см, тиғиз, қилтиғи дағал, тарқоқ. Қўнғир занг ва чанг қоракуя касалликларига чидамли, сариқ занг ва қаттиқ қоракуя касаллигига ўртача чидамли. Дони қизил, 1000 дон вазни 36,3-40,7 г, натураси – 815 г/л. Совуққа чидамли. Тезпишар. Тегирмон тортиш ва нон ёпиш технологик сифатлари яхши. Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида лалмикорликда қир-адир, текислик минтақаларида экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Красноводопадская-210. (V. erythrospermum). Красноводопад давлат селекция станциясида (Красноводопад х Бима-1) х Безостая-1 навларини чатиштириш йўли билан яратилган. Кузги, тезпишар. Ётиб қолишга, тўкилишга бардошли, қурғоқчиликка чидамли. Дони йирик, 1000 дон вазни 39,5-46,2 г. Касалликларга чидамли. Нон ёпиш сифати ўртача. Донида оқсил 13,4 %, клейковина 26,0 %.

1980 йилдан Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Сурхандарё вилоятининг лалмикор минтақалари учун Давлат реестрига киритилган

Ёнбош (V. ferrugineum). Ўзбекистон "Дон" ИИЧБда маҳаллий Санзар-85 навини Сурiядан келтирилган намуна (К-17146) билан чатиштириб, танлаш йўли билан яратилган. Кузги. Бошоғи қизил, қилтиқли, қилтиғи томонларга тарвақайлаган, узунлиги 9-11 см. Дони йирик, қизил, ўртача қаттиқликда, донларнинг тўкилишига чидамли, 1000 дон вазни 38,8-45,5г. Совуққа ва касалликларга чидамли. Ўсимликнинг бўйи 115-120 см.

1995 йилдан Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларининг суғориладиган ерларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Санзар – 6 (V. erythrospermum*)* Ўзбекистон "ДОН" ИИЧБда Ред-Ривер-68 х Ранная-12 дурагайи комбинациясидан танлаш йўли билан яратилган.

Дуварак. Бошоғи призмасимон. Қишга, қурғоқчиликка чидамли, донлари тўқилиб кетишга чидамли. Дони йирик, 1000 дон вазни 37-45 г. Нон ёпиш сифатлари яхши. Дони таркибида 15,3 % оқсил, 32,9 % клейковина сақлайди.

1991 йилдан Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг лалмикор ерларида кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Интенсивная (V. ferrugineum). Қирғизистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтида Безостая ва баҳори Қозоғистон-126 навларини чатиштириш ва якка танлаш йўли билан яратилган. Дуварак, биологик баҳори. Қурғоқчилликка чидамли, дони тўкилмайди. Қаттиқ қоракуя билан ўртача зарарланади. Ун шудринг, сариқ занг касалликларига чидамли. Дони ўртача катталикда, 1000 дон вазни 35-41,5 г. Нон ёпиш сифатлари яхши.

1981 йилдан Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг суғориладиган ерларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Санзар-4 (V. ferrugineym). Ўзбекистон "ДОН" ИИЧБда Сиди-Мадих х Безостая-1 дурагай комбинацияларидан танлаш йўли билан яратилган. Дуварак.Биологик кузги. Бошоғи призмасимон, ўртача узунлиги 9-11 см, ғовак, қилтиқларининг узунлиги 9-10 см, тарқоқ жойлашган, ланцетсимон. Ўсимликнинг бўйи 110-115 см. Дони йирик, думалоқ-узунчоқ, 1000 дон вазни 40,4-44,2 г. Қўнғир занг касаллигига унчалик чидамли эмас. Совуққа чидамлилиги ўртача, қурғоқчилликка бардошли, дони бошоғидан тўкилмайди. Тегирмонбоп, нон сифати яхши.

1990 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Унумли буғдой (V. erytkvoleucon). Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида Ҳиндистон намунасидан (К-45930) якка танлаш йўли билан яратилган. Баҳори буғдой, бошоғи призмасимон, зич эмас, йирик. Дони юмалоқ-бочкасимон, саёз ариқчали, йирик 1000 дон вазни 40,6-43,4 г. Тезпишар. Қурғоқчилликка, ётиб қолишга ва тўкилишга бардошли. Сариқ занг, ун шудринг, қаттиқ қоракуяга чидамли. Қўнғир занг билан

зарарланишга мойил. Нон ёпиш сифати ўртача, донида оқсил миқдори (протеин)11,3 %, клейковина 26,0 %.

1983 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Сурхак-5688. (V. erithrospermum). Тожикистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтида яратилган. Баҳори, бошоғи ўртача узун, қилтиқли, тўқсиз оқ. Дони қизил, йирик, 1000 донасининг вазни 42-56 г. Қурғоқчиликка чидамли, тезпишар. Сариқ занг ва чанг қоракуя билан кам зарарланади. Тегирмон тортиш ва нон ёпиш сифатлари ўртача.

1942 йилдан лалмикор минтақаларида экиш учун Давлат реестрига киритилган..

Оқ буғдой (Грекум 40)(V. Greacum). Ўзбекистон «ДОН» ИИЧБда Қизил Шарқ х Верлд Сидс-1877 навларининг дурагайларидан танлаш йўли билан яратилган. Дуварак,биологик баҳори. Бошоғи қилтиқли, оқ, дони оқ рангда, йирик, 1000 донасининг вазни 45,3-59,4 г. сариқ, қўнғир занг ва қоракуя билан кучсиз зарарланади. Нон ёпиш сифати юқори, донининг таркибида 9,8 % оқсил(протеин), 25 % клейковина мавжуд.

1993 йилдан Самарқанд, Жиззах вилоятларининг лалмикор минтақаларида кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

«Купава» нави (V. Lutescens). Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтида яратилган. Кузги, юмшоқ буғдой. Ўрта пишар. Бўйи 90-100 см. бошоғи йирик, узунлиги 10-12 см, қилтиқсиз, 1000 дон вазни 40-45 г. Донининг таркибига кўра қимматбаҳо буғдойлар гуруҳига киради. Ётиб қолишга, қурғоқчиликка чидамли. Қоракуя, уншудринг ва бошоқ фузариозига ўртача чидамли. Септариоз, қўнғир занг касалликларига чидамли, сариқ занг касаллигига ўртача чидамли. Экиш меъёри гектарига 4,5-5 млн унувчан уруғ ҳисобида. 1 октябрдан 25 октябргача бўлган экиш даври энг мақбул муддат ҳисобланади. Ноябр ойида экилган майдонларда кўчатларнинг тупланиши кескин камаяди, кўчатлар ўта сийрак бўлади.

Минерал ва маҳаллий ўғитларга талабчан. Ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 75-80 центнер.

1999 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

«Половчанка» нави (V. lutescens). Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтида яратилган. Кузги. Ўртапишар, бўйи 105-110 см, қилтиқсиз. Дон таркибига кўра қимматбаҳо буғдойлар гуруҳига киради. Дони қизил, 1000 дон вазни 38,0-43,0 г. Яхши туплайди. Ётиб қолишга чидамли. Занг касалликларига, қоракуя, септариоз, уншудринг ва бошоқ фузариозига ўта чидамли. Кимёвий ишлов бериш талаб қилмайди. Ҳарактерли хусусиятларидан бири илдиз тизими кучли ривожланиши ҳисобига шўрланган майдонларга экилганда ҳам яхши натижа беради. Ўтмишдош экинларни танламайди. Сувга ва маъданли ўғитларга талабчан. Экиш меъёри ҳар гектар майдонга 4,5-5,5 млн унувчан уруғ. Экиш муддати 1 октябрдан 30 октябргача. Бу муддат энг мақбул ҳисобланади. Ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 75-80 центнер.

1999 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

«Дельта» нави (V. Lutescens). Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтида яратилган. Кузги. Ўртапишар, бўйи 100 см. Бошоғи ўртача 9-10 см, қилтиқсиз, донининг таркибига кўра қимматбаҳо буғдойлар гуруҳига киради. Дони қизил, 1000 дон вазни 36,6-39,0 г. Ётиб қолишга чидамли. Занг касалликларига, қоракуя, септариоз, ун шудринг ва бошоқ фузариозига ўта чидамли. Кимёвий ишлов бериш талаб этилмайди. Сув ва маъданли ўғитларга талабчан. Экиш меъёри октябр ойида гектарига 4,5-5 млн, ноябр ойида 6 млн унувчан уруғ. Навнинг яровизация даври 25-30 кун бўлганлиги учун 15-20 ноябргача экиш мумкин. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 70-80 центнер.

2002 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

«Крошка» (Lutescens). Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтида яратилган. Кузги юмшоқ буғдой. Ўртапишар, бўйи 85-90 см, қилтиқсиз. Донининг таркибига кўра қимматбаҳо буғдойлар гуруҳига киради. Дони қизил, 1000 дона донининг вазни 38,3-47,5 г. Ётиб қолишга чидамли. Барча касалликларга дала шароитида ўртача чидамли. Совуққа чидамлилиги юқори. Экиш меъёри 4-5 млн унувчан уруғ/га. Экиш муддати 1 октябрдан 25 октябргача. Кеч муддатларда экиш тавсия этилмайди. Сув ва маъданли ўғитларга ўта талабчан. Андижон вилояти хўжаликларида ўртача гектаридан 70-74 центнердан ҳосил олинди.

2000 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

«Уманка» (V. lutescens). Краснодар қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтида яратилган. Кузги юмшоқ буғдой. Ўртапишар, бўйи 110-115 см. Бошоғининг узунлиги 9-10 см, қилтиқсиз. Донининг таркибига кўра кучли буғдойлар гуруҳига киради. Шу сабабли ун ва нон сифати аъло даражада. Дони қизил, 1000 дон вазни 37,0-42,0 г. Пояси бақувват бўлганлиги учун ётиб қолишга чидамли. Занг касалликларига чидамлилиги юқори, қоракуя, септориоз, уншудринг ва бошоқ фузариозига чидамли. Кимёвий ишлов бериш талаб этилмайди. Сув ва минерал ўғитларга талабчан. Экиш меъёри 5,5-6 млн унувчан уруғ/га. Экиш муддатлари 1 октябрдан 30 октябргача. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 75-80 центнер.

2000 йилдан Республиканинг суғориладиган ерларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

3. Сугориладиган ерларда кузги буғдойни етиштириш технологияси

Алмашлаб экишдаги ўрни. Кузги буғдой ўтмишдошларга талабчан. Далани бегона ўтлардан тозалаш экиш олдидан нам тўплайдган суғоришларни ўз вақтида ўтказиш, ўғит солиш, тупроқни экишга тайёрлаш ҳамда кузги буғдойни оптимал муддатларда экиш учун ўтмишдош экин ҳосили эртароқ йиғиштириб олинади.

Суғориладиган ерлардаги алмашлаб экиш кузги буғдойни уч йиллик бедага, ғўзадан, дон ва силосга экилган маккажўхоридан, дуккакли дон, картошка, сабзавот, полиз экинларидан кейин жойлаштириш яхши натижа берди.

Кузги буғдой суғориладиган ерларда экиладиган ғўза, маккажўхори, сабзовот, полиз, картошка, ем-хашак экинлари, илдиз мевалар, дуккакли дон экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ўғитлаш. Кузги буғдой тупроқ унумдорлигига ва ўғитлашга жуда талабчан. У 1 ц дон ва шунга мувофиқ сомон ҳосил қилиш учун 3,7 кг азот, 1,3 кг фосфор ва 2,3 кг калий ўзлаштиради, ўғитлаш ҳамма типдаги тупроқларда кузги буғдой ҳосилини оширади.

Кузги буғдой 60 ц/га дон ҳосили шакллантирганда озиқа моддаларига талаби ўртача 200-220 кг азот, 60-80 кг фосфор, 130-140 кг калийни ташкил қилади. Аммо у нам билан таъминланганликка, навга, минерал озиқланиш даражасига боғлиқ.

Суғориладиган ерларда маъданли ўғитларни ерни ҳайдаш олдидан, экиш билан ва кузги буғдойнинг ўсув даврида бериш яхши натижани беради.

Кузги буғдой суғориладаган ерларда ўстирилганда маъданли ўғитларга, айниқса азотли ўғитларга жуда талабчан, ўсимлик найчалаш ва бошоқлаш фазаларида азотни энг кўп ўзлаштиради. Бу даврда азотли озиқланиш меъёрида бўлганда, бошоқ яхши ривожланади, ундаги бошоқчалар ҳамда дон сони ошади.

Суғориладиган ерларда кузги буғдойни ўстиришда ўтмишдошлар кўпроқ агрокимёвий картограмма, нав хусусиятлари ҳисобга олиниб, йиллик ўғитлар миқдори белгиланади. Қашқадарёнинг типик бўз тупроқларида минерал ўғитларнинг йиллик меъёри – азот – 150, фосфор – 90, калий – 60 кг/га, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий қисмидаги янги суғориладиган тупроқларда азот 180-200, фосфор 90-120, калий 60-100 кг/га, Зарафшон водийсидаги ўтлоқ ва бўз тупроқларда азот – 180, фосфор – 90, калий – 60 кг/га тавсия этилган.

Асосий ўғитлаш. Кузги буғдойни етиштиришда, асосий ўғитлашда минерал, органик ўғитлар – гўнг, компост кенг қўлланилади, уларни солиш меъёрлари тупроқ шароити, навларга боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Асосий ўғитлаш экишгача ўтказилади. Чириган ёки ярим чириган гўнг ерни ҳайдаш олдидан 20-40 т/га солинади. Гектарига 20 тонна чириган гўнг солинганда қўшимча 10-15 ц дон ҳосили олинади. Гўнг етарли бўлса гектарига 60 т солиш ҳам яхши натижа беради. Гўнг солинганда кейин дарҳол ҳайдалиб бороналанади. Гўнг солингандан кейин ер ҳайдаб ташланмаса, гўнг таркибидаги азотнинг 30 % и, бир-икки сутка давомида йўқолади.

Фосфорли ўғитларни ҳам асосий ўғитлашда бериш ҳосилдорликни ва дон сифатини оширади. Кузги буғдойга асосий ўғит сифатида гектарига 30-60 кг фосфорли ўғит солиш (фон азот 100, калий 60) типик бўз тупроқларда 7-7,3 ц қўшимча ҳосил беради.

Асосий ўғит сифатида фосфорли, калийли ўғитларни қўшиб ерни ҳайдаш олдидан солиш яхши натижаларни беради. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши кучаяди, қишга чидамлилиги ортади.

Органик, фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдаш олдидан берилганда энг юқори натижалар олинади.

Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри қуйидагича тақсимланади: фосфорли ўғитлар 80 %, калийли ўғитларнинг ҳаммаси ерни ҳайдаш олдидан солинади, экиш олдидан култивация билан 25-30 % азотли, экиш билан қаторларга 20 % фосфорли ўғитлар берилади. Азотли ўғитларнинг 70-75 % и эрта баҳорда икки марта озиқлантиришлар сифатида берилади. Йиллик азотли ўғит меъёрининг 20 % ини баҳорда бериладиган озиқлантиришлар ҳисобидан олиб бошоқлаш фазасида озиқлантириш дон ва сомон сифатини яхшилайди, ўсимликнинг қўнғир занг касаллигига чидамлилигини оширади.

Қаторларни ўғитлаш. Кузги буғдой ўстиришда экиш билан қаторларга гранулаланган суперфосфат гектарига 50-70 кг, ёки 30-40 кг аммофос солиш катта аҳамиятга эга. Жуда кўплаб ўтказилган тажрибаларда гранулаланган суперфосфат суғорилмайдиган ерларда гектарига 50 кг солинганда 2,7-3,4 ц

қўшимча дон ҳосили олинган. Экишда аммофосни гектарига 30 кг солиш ҳосилдорликни 5,2 ц/га га оширган.

Озиқлантириш. Суғориладиган ерларда туманлаштирилган интенсив кузги буғдой навлари маъданли ўғитларга жуда талабчан. Кузги буғдой ўсиш даврида озиқа моддаларини бир текис ўзлаштирмаслигидан келиб чиқиб, ўсимликларни ўсиш даврида тинимсиз етарли миқдорда озиқа элементлари билан таъминлаш мақсадида маъданли ўғитлар айниқса, азотли ўғитлар озиқлантириш сифатида бир неча марта солинади.

Азотли ўғитларни ўсимликнинг ўсиш даврида бир неча марта бўлиб солиш, улар самарадорлигини оширади. Бир неча миқдорларга бўлиб солинган азотли ўғитлар ўсимликнинг яхши қишлашини таъминлайди, ётиб қолишига чидамлиликни, ҳосилдорликни ва дон сифатини оширади.

Ишлаб чиқариш шароитида, кузги буғдойни баҳорда озиқлантиришда катта майдонларда, энг қулай муддатларда ўғитларни бир текис тақсимлаб бериш имкони ҳамма вақт ҳам бўлмайди. Шунинг учун хўжаликлар кузги ғалла экинларини озиқлантиришда тупроққа ўғитни кўмишга мослаштирган махсус СЗ -3,6 ва СЗП-3,6 сеялкалардан фойдаланилмоқда. Бунда ўғитлар қатор ораларига 4-6 см чуқурликда солинади.

Тупроқни ишлаш. Суғориладиган ерларда, кузги буғдой экиладиган майдонларда тупроқни ишлаш тизими минтақаларнинг тупроқ–иқлим шароити, ўтмишдошлар, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланганлиги, тупроқнинг сув-физик, кимёвий хоссалари унинг маданийлашганлик даражаси, ҳайдалма қатлами тузилиши ва бошқа омиллар ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилади.

Ерни ҳайдаш чуқурлиги тупроқ қатламининг қалинлиги, зичлиги, алмашлаб экиш далалари ҳамда уларнинг ўт босганлигига қараб табақалаштирилади. Ҳайдов қатламини чуқурлантириш, сув захирасини, аэрацияни, нитратлар ва эрийдиган фосфатлар миқдорини ошириб, ўсимлик юқори ҳосил шакллантириши учун қулай шароит яратади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида кузги буғдой экиладиган далалар 25-27 см чуқурликда ҳайдалади. Аммо кам унум, қум ва шағал қатлами мавжуд ерларда ер шундай чуқурликда ҳайдалиши керакки, бундан қум билан шағал ер бетига ағдарилиб чиқмайдиган бўлсин. Янги ўзлаштирилган ерларда дастлабки икки йилда ҳайдаш чуқурлиги 20-22 см дан ошмаслиги керак. Кейинги йилларда ҳайдов чуқурлиги 2-3 см дан оширилиб борилади.

Кузги буғдойдан юқори ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бири, ўтмишдош экинларни юқори агротехника шароитида ўстириш ва ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишдир. Ҳосилни йиғиштириш билан ерни ҳайдаш ўртасидаги давр узоқ бўлмаслиги керак. Бу давр чўзилса тупроқ кучли қуриши мумкин. Шунинг учун ҳосил йиғиштирилиши билан ер дарҳол ҳайдалиши керак. Бунда ер ҳайдаш билан бороналаш ўтказилганда тупроқда намлик яхши сақланади, кесак ҳосил бўлмайди.

Ер ҳайдалганда тупроқда етарли нам бўлганда плугдан кейин агрегатга борона ва молани қўшиш, тупроқни бир текис майда, донадор ҳолга келтиради, юмшоқ қаватли тупроқ ҳосил қилади. Аммо тупроқнинг бо-роналаниб, молалангандан кейинги ҳолати, кўпинча экишни ўтказиш учун талабга жавоб бермайди. Бундай ҳолдаги тупроқларда кесак кўп бўлади, ғоваклиги катта бўлади, намлик тез йўқолади. Шунинг учун ер ҳайдалгандан кейин култиватор ёки чизел борона ва мола билан бир-икки ишланади, натижада кесаклар майдаланиб, тупроқ зичлашиб, текисланади ва экишга тайёр бўлади.

Суғориш режими. Кўп йиллик тажрибалар ва амалиёт Ўзбекистон шароитида юқори ҳосил олишда асосий белгиловчи омил сув эканлигини кўрсатади. Кузги буғдой сувни вегетация даврида бир текис сарфлайди. Ўсимлик куз даврида ўртача 850-900 м^3/га, қиш даврида 1162-1230 м^3/га, баҳор-ёз даврида 3834-3799 м^3/га сув сарфлайди (Н.Халилов, 2005).

Ўсимликлар ўсув даврида сув сарфи суғориш режимига, экиш муд-датларига, ўғитлар меъёрига ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Ўзбекистонга кузги буғдой уруғларини оптимал муддатларда экиб, қисқа вақт давомида бир текис қийғос ундириб олиш ва доимий совуқлар тушгунча ўсимликнинг тупланиб, чиниқиш фазасини тўла ўтишини таъминлаш юқори ҳосил етиштиришда асосий вазифалардан биридир.

Экишдан олдин гектарига 1200-1500 м^3 меъёрида ўтказилган нам тўплайдиган суғоришлар юқори ҳосил шаклланишини таъминлайди.

Самарқанд вилоятида ўтказилган тажрибаларда нам тўплайдиган суғоришлар гектарига 1200 м^3 меъёрда ўтказилганда Интенсивная навидан 66,3 ц/га ва улар ўтказилмаганда 46,8 ц/га ҳосил олиниб, қўшимча ҳосил 18,5 ц/га бўлган. Бунда нам тўплайдиган суғоришлар ўтказилган ва ўтказилмаган майдонлар ҳам баҳорда уч марта гектарига 750 м^3 меъёрда суғорилган.

Нам тўплайдиган суғоришлар экишдан бир неча ҳафта олдин бошланади ва у тугатилгандан кейин ерни ҳайдаш ва экишни ўз вақтида ўтказиш учун етарли давр қолиши керак.

Экишдан олдин ўтказиладиган суғориш меъёрларини белгилашда ўсимликнинг куз даврида нам билан яхши таъминланиши зарурлиги ҳисобга олинади.

Кўплаб ўтказилган тажрибаларда, тупроқ бир метргача намланганда ҳосилдорлик тупроқ бир ярим ва икки метр чуқурликда намлангандаги билан бир хил бўлган. Сизот сувлар юза жойлашган ерларда нам тўплайдиган суғоришлар самарадорлиги камаяди. Бундай ҳолларда экишдан олдин ўтказиладиган суғориш, уруғларни ўз вақтида ва қийғос ундириб олиш учун етарли миқдорда, меъёри камайтирилиб ўтказилади. Ўтмишдош экинлар ҳосили кеч йиғиштирилиши ва бошқа сабабларга кўра нам тўплайдиган суғоришлар ўз вақтида ўтказилмаса ҳамда кузги буғдойни оптимал экиш муддатига оз вақт қолса, экиш олдидан ўтказиладиган суғоришлар меъёри камайтирилади. Бундай ҳолларда, кузда ўсимликларнинг тупланиш фазасида гектариги 300-400 м^3 меъёрда суғориш ўтказилади.

Суғориш усуллари. Кузги буғдойни ёмғирлатиб ва ер устидан суғориш кенг тарқалган. Кейингиси тупроқ устидан эгатлатиб ва далани тахталаб

суғоришга бўлинади. Эгатлар бўйлаб суғорилганда тупроқ жўяк тагидан ва деворларидан бир текис намланади. Бу усулда сув тежаб сарфланади, ўсимлик атрофида қатқалоқ ҳосил бўлмайди ва сув тупроқдан кам буғланади.

Буғдойни экишда эгатлар бир йўла олинади. Бунинг учун сеялкага эгатлар оладиган мосламалар ўрнатилади. Эгатлар оралиғи тупроқнинг сув ўтказиш хусусиятига қараб белгиланади. Механик таркиби енгил тупроқларда эгатлар ораси 50-60, ўртача бўлганда 60-80, оғир тупроқлардан 70-90 см қилиб олинади. Эгатлар йўналиши даланинг нишаблиги ва буғдой ўстиришдаги механизация ишларини ўтказишни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Олдин уруғлар экилиб кейин эгатлар олинса эгат ичида майсалар жуда кам ҳосил бўлиб ҳамма ўсимликлар бир хил озиқланиш майдонига эга бўлмайди.

Суғориш муддатлари ва меъёрлари. Кузги буғдойлардан юқори ҳосил олишда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши давомида уни оптимал миқдорда сув билан таъминлаш зарур. Бунинг учун нам тўплайдган суғоришлар ва ўсув давридаги суғоришлар билан тупроқдаги намлик чекланган дала нам сиғимининг 60 % енгил, 70 % ўртача ва 80 % оғир тупроқларда кам бўлмаган ҳолда ушлаш керак. Тупроқ намлиги кўрсатилган миқдордан камайса ўсимликни сув билан таъминлаш ёмонлашади. Тўқималарда сувнинг камайиши, физиологик жараёнлар ўтишининг бузилиши оқибатида маҳсулдорлик кескин камаяди. Механик таркиби ўртача тупроқларда тупроқдаги намлик чекланган дала нам сиғимининг (ЧДНС) 60 % камайса, ўсимликни фақат ҳаёти таъминланади, аммо юқори маҳсулдорлик шаклланиши учун қулай шарт-шароит яратилмайди. С.М.Альпатевнинг кўрсатишича кузги буғдойнинг ўсиши давомида 3-4 кун нам билан етарли таъминланмаса ҳосил 19 %, 8-9 кунда 28 % камаяди. Шунинг учун буғдой ўстиришда тупроқ дала чекланган нам сиғими (ЧДНС) ўсимлик ўсишининг айрим даврларида ҳам 60 % камайишига йўл қўймаслик керак. Нам танқислиги айниқса найчалаш, бошоқлаш, доннинг тўлиши фазаларида ҳосилдорликка кучли салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон шароитида кузги буғдойнинг ўсиш давридаги суғоришлар меъёри эгатлаб ўртача 650-750 $м^3$/га, тахталаб 800-900 $м^3$/га, ёмғирлатиб суғорилганда 450-500 $м^3$/га бўлади.

Уруғни экишга тайёрлаш. Йирик, оғир, бир хил, қобиғи, муртаги шикастланмаган уруғлар экилганда, майда уруғларга нисбатан 3-4 ц/га қўшимча ҳосил олинади. Уруғларни тозалаш линияларида улар жароҳатланган бўлса, унувчанлиги ва ўсиш энергияси пасаяди, кўпинча фузариоз билан касалланади. Экиладиган уруғлар таркибидаги оқсил ҳам ҳосилдорликка таъсир кўрсатади. Уруғ таркибида оқсил миқдори кўп бўлса униб чиқиши ва ўсимлик ўсув органларининг, генератив органларининг ривожланиши тезлашади, ҳосилдорлик ошади.

Уруғларни заҳарли кимёвий моддалар билан микроэлементларни қўшиб ишлаш яхши натижа беради. Уруғларни ярим қуруқ усулда дорилашда сув ўрнига рух сульфат эритмаси 110 г 1 гектарга экиладиган уруққа аралаштирилади ёки рух сульфат билан калий перманганат шу дозада қўлланилади. Бундай микроэлементлар ва заҳарли перепаратлар 10 л сувда эритилиб 1 тонна уруққа ишлатилади. Уруғлар экиш олдидан шундай усулда ишланганда 3- 3,6 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Уруғлар I, II-синф талабларига жавоб бериши лозим (15-жадвал). Экишдан камида 24 кун олдин 1 т уруғ 2 кг паноктин ёки 1,5 кг 2 % раксил ёки 2-3 кг витовакс-200 билан ишланиши яхши натижа беради.

Буғдой уруғининг сифат кўрсаткичлари

Синф-лар	**Уруғ тозалиги, %**		**Бошқа ўсимликлар уруғи аралашмаси**			
			1 кг уруғликда, дона		**унувчанлиги, %**	
	юмшоқ буғдой	**қаттиқ буғдой**	**ҳаммаси**	**бегона ўт уруғлари**	**юмшоқ буғдой**	**қаттиқ буғдой**
I	99	99	10	5	95	90
II	98	98	40	20	92	87

III	97	97	200	70	90	85

Экиш муддатлари. Кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши қишга чидамлилиги ва ҳосилига таъсир қилувчи омиллар орасида экиш муддатлари муҳим аҳамиятга эга. Оптимал муддатларда экилган ўсимликлар қишгача яхши туплайди ва 4-5 поялар ҳосил қилади, етарли миқдорда қандлар ҳамда бошқа ҳимояловчи моддалар тўплаб яхши қишлайди. Баҳорги–ёзги даврда кам сийраклашади, яхши ривожланган йирик донлар сони кўп бошоқлар ҳосил қилади ва энг юқори ҳосилни таъминлайди.

Кузги буғдой кеч экилганда қишга кучсизланиб киради. Улар қиш тушгунча тупланиб улгура олмайди, қишлашда кучли сийраклашди, баҳордаги ўсиши ва ривожланиши кечикади, ҳосилдорлиги камаяди.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ҳар бир минтақада, туманда, хўжаликда навга, тупроққа, унинг намлиги ва унумдорлигига, об-ҳаво шароитига қараб оптимал экиш муддатлари аниқланади.

Экиш усуллари. Кузги буғдой қаторлаб (қатор оралари 15 см), тор қаторлаб (қатор оралари 7,5 см), икки томонлама қаторлар кесиштирилган усулларда экилади. Тор қаторлаб экиш илғор усул ҳисобланади. Бунда ўсимликлар майдонда бир текис тақсимланади. Тупроқда етарли намлик ва озиқа моддалар бўлганда улар яхши ўсади, ривожланади, ёруғликдан, намликдан, озиқа моддалардан яхши фойдаланади, бир-бирини қисиб қўймайди, тупланиши ва маҳсулдорлиги юқори бўлади. Бунда ўсимликлар бегона ўтлар томонидан кам қисилади, тупроқдан намлик кам буғланади.

Кейинги йиллардаги тажрибалар кузги буғдойни анғизга экадиган сеялкалар билан экиш яхши натижалар беришини кўрсатди. Анғизга экадиган СЗС-9 сеялкасида экиш, дискали сошникка эга СУК-24 экишга нисбатан 2-6 ц/га қўшимча ҳосил олишга имкон берган.

Экиш меъёрлари. Экиш муддатлари ҳам экиш меъёрларига таъсир кўрсатади. Экиш оптимал муддатлардан кечикканда экиш меъёри оширилади. Кеч экилган ўсимликларда тупланиш коэффициенти

уруғларнинг униб чиқиши кам, кузги–қишки ноқулай шароитларга чидамлилиги эса паст бўлади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган тажрибаларда унумли буғдой нави 20.09; 10.10; 1.11 муддатларда экиш меъёри 3,0 млн/га бўлганда 66,2; 70,6; 63,6 ц/га, 4,5 млн/га экилганда 63,6; 77,6; 67,5 ц/га ҳосил олинган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида экиш меъёрлари гектарига 3,0-4,5; 6,0 млн/га уруғ ҳисобида тавсия қилинмоқда.

Уруғларни экиш чуқурлиги.

Кузги буғдой нисбатан уруғларни чуқурроқ экишни талаб этади. Уруғлар чуқур кўмилганда тупланиш тугуни ҳам чуқур жойлашади ва ўсимликнинг қишга чидамлилиги ортади.

Униб чиқаётган майсага тупроқнинг қаршилиги унинг механик таркибига боғлиқ бўлади. Майсаларнинг униб чиқишга айниқса оғир лой тупроқлар кўп қаршилик қилади. Шунинг учун оғир лой тупроқларда уруғлар 4-5 см чуқурликда экилади, ўртача қумоқ тупроқларда уруғлар 5-6 см, енгил тупроқларда 7-8 см чуқурликда экилади. Тупроқнинг юза қатлами жуда қуриб кетганда уруғлар енгил тупроқларда 8-10 см чуқурликда экилиши мумкин.

Экинзор парвариши. Уруғларни қисқа вақт давомида қийғос ундириб олиш учун, экишдан олдин дала молаланади. Бу уруғларни тупроқ заррачалари билан жипслашиши ҳамда тупроқнинг пастки қатламларидан намликни капиллярлар орқали уруғ жойлашган қисмига кўтарилишига ёрдамлашади. Ғалтаклаш тупроқ ғоваклигини камайтириб, намнинг йўқолишини камайтиради. Аммо тупроқда намлик етарли бўлиб, унинг зичлиги оптимал (1,1-1,2 г/см^3) бўлса ғалтаклаш зарурияти йўқ. Ўзбекистонда ғалтаклаш ўрнига экиш олдидан молалаш ўтказилади.

Кузги буғдойни бороналаш баҳорда ер етилиши билан ўтказилади. Унинг асосий вазифаси –экиш давомида зичлашиб қолган тупроқ юзасини юмшатиш, ўсимликнинг нобуд бўлган қисмларини чиқариб ташлаш, бегона

ўтларни йўқ қилишдир. Суғориладиган майдонларда баҳорда туп қалинлиги етарли бўлиб, ўсимлик яхши ривожланган экинзор, бегона ўтлардан тоза, қатқалоқ бўлмаса бороналашни ўтказмаса ҳам бўлади.

Кузги буғдой эрта баҳорда, тупланиш фазасида, найчаланишнинг бошланишида азотли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Шўра, ёввойи гултожихўроз, шамак ва бошқа бегона ўтларнинг 1 $м^2$ қалинлиги 50 ўсимликдан ошса, 1 гектаридан ўртача 30-70 кг азот, 10-15 кг фосфор, 50-70 кг калий ўзлаштиради. Бу миқдордаги озиқа элементлари 15-17 ц/га дон шакллантириш учун етарлидир. Бегона ўтлар суғорилганда ерларда маъданли ўғитларнинг самарадорлигини, фойдаланиш коэффициентини 30-40% камайтиради.

Бегона ўтларга қарши курашда гранстар 15-20 г/га, парднер 1,5 кг/га, базагран 48% 2-4кг/га, бенвел 24% 0,7-1,0 кг/га, дерби175SC 50-60 мл/га, пума супер 0,6-0,8 кг/га, серто плюс+ПАВ (адьювант «ДАШ») 200 мл/га, старане 200, 20%, 0,75-1,0 кг/га, хуссар 0,05-0,1 кг/га, меъёрда кузги буғдойни тупланиш фазасида 250-300 л/га сувга аралаштирилиб пуркалади. Бегона ўтларнинг тури, ривожланиш ҳолати, буғдойнинг ривожланиш фазаси ҳисобга олиниб, гербицидлар навбатлаштирилиб ёки аралаштирилиб қўлланилса самарадорлиги юқори бўлади.

Чанг, қаттиқ қоракуяга қарши кураш тадбирлари уруғларни экишга тайёрлашда қўлланилади. Занг, ун шудринг ва бошқа замбруғ касалликларига қарши ўсув даврида 25%, байлетон гектарига 0,5-1 кг, тилт – 0,5 кг, фолликюр – 0,3-0,5 кг, альто супер – 0,5 кг, импакт 0,25-0,5 кг/га миқдорда 250-300 л сувга аралаштириб пуркалади.

Экинзорларда зараркунандаларга қарши кураш олиб боришда, улар келтирадиган зарарнинг бошланишини аниқлаш муҳим. Уларнинг 1$м^2$ сонига қараб заҳарли препаратлар қўлланиши бошланади. Масалан, ғалла зулуги 1$м^2$ 15-20 дона қўнғиз ёки 100 пояда 50 личинкада 5 донани, зарарли хасва ва хумкалла 2 донани, ширалар, трипслар 50 донани ташкил этса заҳарли препаратлар билан ишлаш тавсия этилади. Буларга қарши 5 % карате

гектарига 0,15-0,25 ёки 5 % сумми альфа, 0,2-0,25 ёки 2,5% децис 0,35 кг миқдорда ўсув даврида қўлланиши мумкин. Кўрсатилган препаратлар 200-400 л сувга аралаштириб 1 гектарга пуркалади.

Ҳосилни йиғиштириш. Ҳосилни қисқа 9-12 кундан кўп бўлмаган даврда йиғиштириб олиш афзаллиги биологик асосланган.

Кузги буғдой ҳосили бир фазали (бевосита комбайнлар билан) ва икки фазали (олдин ўриб кейин йиғиб янчиб олиш) усулларда йиғиштирилади.

Ҳосилни бир фазали усулда ўриб йиғиб олишда, дон тўла пишганда «Сибиряк», СК-5 «Нива», СК-6 «Колос», Дон 1500, Енисей-1700, Джон –Дир, «Кейс» комбайнлари билан тўғридан тўғри ўриб янчиб олинади. Бу усулда паст бўйли ётиб, қолишга чидамли тўла пишиб етилган буғдойзорлар ҳосили йиғиштирилади. Ўрим ётиб қолган экинзорда 10 см дан ортиқ бўлмаган, узун бўйли ётиб қолган экинзорда 15-20 см баландликда ўтказилади. Ўсимликлар зич, ҳосилдорлик юқори майдонларда ўриш баландлиги 25 см ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Кузги буғдойни суғориладиган ерларда етиштириш технологик харитаси

№	Ишнинг номи	Сифат кўрсат кич лари	Агрегат таркиби		Хизматчи одамлар сони	Ўлчов бирлиги	Иш бошланиши нинг тах миний кален дар муддати
			Трактор автомобил русуми	К/Х машиналари			
1.	Ўтмишдош экин	Ғўза, беда, маккажўхори, дуккакли дон экинлари, картошка, сабзавот, полиз экинлари					
2.	Органик ўғит солиш	20-40 т/га	ТТЗ-80.10	РТП-5	2	т	20-25.IX
3.	Минерал ўғит солиш	P_{80} K_{60} кг/га	ТТЗ-80.10	РМУ-0,75	2	т	20-25.IX
4.	Хайдаш	25-27 см	Магниум Т-4А-01	ПД-4-4,5	1	га	30.IX
5.	Бараналаш	8-10 см	Т-4А-01	БЗТС-1	1	га	5. X
6.	Чизиллаш	12-14 см	Т-4А-01	ЧКУ-4А	1	га	5. X
7.	Молалаш	4-5 см	ТТЗ-60.10	МВ-6А	1	га	5. X
8.	Уруғларни экишга тайёрлаш	1 т уруғ 2 кг раксил 2% 2-3 кг витовакс	ПС-10А	ПС-10А	1	т	1. X
9.	Экиш билан озиқлантириш	N-40, P-20, 4,5-5 млн.дона/га 180-220 кг/га	ТТЗ-80.11	СЗ-3,6 СЗС-9 ДЕМ-3,6	1	га	20. X
10	Суғориш	800-1000	Қўлда		1	га	20. X
11	Гербицид билан ишлаш	Гранстар 15-20 г/га, Парднер 1,5 кг/га	ТТЗ-60.11	ОВХ-600	1	га	10-20. II
12	Озиқлантириш суғориш	N-80, 800-1000 $м^3$/га	ТТЗ-60.11	РУМ-0,5 қўлда	1	га	10.III
13	Касалликларга қарши курашиш	Байлетон 15-20 г/га Фаликур 0,3-0,5 кг/га		ОВХ-600	1	га	II-III
14	Зараркунандаларга қарши курашиш	5% карате 0,15-0,25 кг/га 2,5 % десис 0,35 кг/га	ТТЗ-80.11	ОВХ-600	1	га	III-IV
15	Озиқлантириш	N-60	ТТЗ-60.10	РУМ-0,5	1	га	20. IV
16	Суғориш	800-1000 $м^3$/га	Қўлда			га	20. IV
17	Ҳосилни йиғиш		Кейс -2366 дон-1500 Б СК-5М-1 Йенисей-1200-1М		1	га	20. VI
18	Ҳосилни ташиш		ТТЗ-60.10	2 ПТС-4-793	1	т	25. VI
19	Сомонни юклаш		ТТЗ-60.10	ПК-0,5	2	т	25. VI
20	Сомонни ташиш		ТТЗ-60.10	2 ПТС-4-793	1	т	25. VI

Хулосалар

Ўзбекистон Республикаси шароитида суғоришлар кузги буғдой ҳосилдорлигини оширувчи асосий омиллардан бири бўлиб, дон ҳосилини лалмикорликка нисбатан 4 – 5 баробар оширади. Кузги буғдойни суғориш режимининг асосини нам тўплайдиган суғоришлар ташкил этади ва улар гектардан 16 –20 ц /га қўшимча дон ҳосили олишга имкон беради.

Ўсув давридаги суғоришлар нам туплайдиган суғоришлар фонида ўтказилганда уларнинг самарадорлиги юқори бўлади. Суғоришлар кузги буғдойнинг ривожланиши фазалари ва тупроқдаги ЧДНС миқдорига қараб ўтказилади.

Минерал ўғитларни қўллаш ва суғориш кузги буғдой ҳосилдорлигини оширувчи асосий омиллардан биридир. Минерал ўғитлар айниқса азотли ўғитлар кузги буғдой ўсув даврини узайтиради. Фосфорли ўғитларни меъёридан кўп қўллаш ўсув даврини қисқартириб, пишишни тезлаштиради. Фосфорли - калийли ўғитлар азотли ўғитларга нисбатан кузги буғдойни қишга чидамлигига ижобий таъсир қилади.

Азотли ва калийли ўғитлар эса фосфорли ўғитга нисбатан бошоқнинг узун ва сердон бўлишига олиб келади.

Азотли ва фосфорли ўғитлар меъёрини ошириш кузги буғдойнинг 1000 та дон вазни ва дон натурасини пасайтиради, доннинг шишасимонлиги ва ундаги оқсил ҳамда клейковина миқдорини оширади. Азотли ўғитни бир марта солишдан кўра, бўлиб солиш ҳосилдорликни ва дон сифатини сезиларли даражада оширади. Калийли ўғит буғдой бошоғининг сердон бўлишига 1000 дон вазнининг ошишига, буғдойни қурғокчиликка, касаллик ва зараркунандаларга, табиатни ноқулай омилларига чидамлигини оширади.

Азотли ўғитларни оптимал меъёрдан ошириш буғдой пояларини ўсиб кетиши, ётиб қолишига сабаб бўлади ва ўсимликнинг касалликларга чидамлилигини камайтиради.

Калийли ўғитлар оптимал меъёрдан оширилганда ўсимлик поялари мустаҳкам бўлади, ётиб қолишга ва касалликларга чидамлиги ошади.

Минерал ўғитлар (азотли, фосфорли, калийли) солинганда буғдой барглари ассимляцион юзаси ошди. азотли ва фосфорли озиқланишининг юқори бўлиши ўсимликнинг ётиб қолишига ва касалликлар билан касалланишига мойиллигини оширади ва буғдой барглари бир – бирини соялаб қўяди, ўсимлик маҳсулдорлиги пасаяди.

Азотли ўғитларни солиш буғдой дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдорини оширади. Калийли ўғитлар уларнинг яхши ўзлаштирилишига таъсир этади. фосфорли ўғитларнинг кам меъёри ҳам буғдой донидаги оқсил ва клейковинанинг ошишига олиб келади.

Суғориладиган ерларда ўғитлар кузги буғдой ҳосилдорлигини 26 – 36 ц/га оширишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида кузги буғдойга минерал ўғитлар, азот 180 – 200, фосфор 90 – 120, калий 60 – 100 кг/га солиниши тавсия этилган.

Азотли ўғитларни кузги буғдой ўстиришда оптимал меъёрларини қўллаш ассимляция жараёнини оптималлаштиришга, энг юқори барг юзасини шаклланишига, фотосинтез соф маҳсулдорлигини, ФАР дан фойдаланиш коэффициентини ошишига, кузги экилган буғдойдан юқори ҳосил олишга имкон яратади.

Ўзбекистонда давлат реестрига киритилган кузги буғдой навлари суғоришларга, ўғитлашга жуда таъсирчан ва тупроқдан намликни камайиши билан ҳосилдорликни сезиларли даражада камайтиради.

Кузги буғдойнинг ялпи сув сарфи навга, экиш муддати, меъёри, ўғитлаш, суғориш тартибига боғлиқ ҳолда ўзгаради ва уларни муқобиллаштириш сувдан самарали фойдаланишни таъминлайди.

6. МАМЛАКАТНИ МОДЕРИНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, КУЧЛИ ФУҚОРАЛИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов парламент қўшма мажлисини маърузасида парламент томонидан амалга оширилган, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга икки палатали парламент фаолиятидаги айрим камчиликлар ва нуқсонлар фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳақида ҳам ўз фикр-мулохазаларини баён этди. Албатта бу олий мажлиснинг келгуси 5 йиллик фаолиятининг асосий вазифалари ва устивор йўналишлари белгилаб олинаётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга. Камчилик ва нуқсонлар фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳамда вазифа ва устивор йўналишлар қуйдагилардан иборат қилиб кўрсатилди:

Биринчидан, қонунчилик палатиси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий , ижтимоий-сиёсий ислоҳатларни ўз ичига олган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурларига эга эмасдигида кўринади. Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга ривоя қиладиган ҳолда уларнинг қонунчилик ташаббуси хуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишга қараб қабул қилишишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, депутатлар корнусинини сусткашлиги туфайли иқтисодий, сиёсий гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳатларни амалга ошириш учун хаётий зарур бўлган қонунлар киритилмаган, ташаббус билан чиқмаганлиги. Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган холос.

Айни пайтда 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган. 160 дан зиёд лойиҳаси эса мамалакат хукумати (Вазирлар Махкамаси) томониданкритилган бўлиб, уларнинг

аксарияти Ўзбекистон Республикаси Призеденти Фармонлари ва қарорларининг ижросини мауносабати билан тақдим этилган.

Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилик амалдаги қонун хужжатларига қушимчалар киритишига қаратилган бўлиб, кодификациялаш тавсифлари даражада тизимлашув мазмунига эга эмас.Қабул қилинадиган қонун амалдаги қонун хўжжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга йўл қуйилган бошқа хужжатларга хавола қилиш холатлари кўп. Асосий камчиликлар шундаки қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун хўжжатларидан хаётий тдбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжудмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзини ушбу хужжатларнинг қўлланилиши сезиларли даражада қийинлаштиради. Қонунларнинг ижро этилмаслигига хуқуқий ишимиз яъни ҳар қандай хуқуқий нормаларини инкор қилишишига хуқуқини бўлган амалиётни самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Тўртинчидан, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати хуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда. Қонунчилик палатаси ўтган давр фаолиятида атиги бир нечта хусусан иновавцион технологияларни ишлаб чиқишга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги ткрдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширган, бу етарли эмас, албатта.

Бешинчидан, парламент депутатларнинг ўз сайлов округидан тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Бундай тадбир депутатга сайловчилар ўз фаолиятларида қандай муаммоларга дуч келаётгани уларни хал этиш заруратини аниқлаш учун имкон берган бшлар эди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби” палата томонидан тўртинчи йилидагина , 2008 йилнинг май ойига келиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг дастлабки даврида ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар кузатилди. Бундай зиддиятлар қонунларни қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди. Умуман, Президентимиз мамлакатимиздаги олий қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги жараённининг мустақил таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолияти таъминлаш жароаёни қийинчилик билан йўлга қуйилди деб таъкидлайди.

Сенат ва унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас. Сенат бу вакиллик органи ва унинг кшҳўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят. Туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана маҳалий кенгашларнинг ваколатли вакили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам сенаторлар ўз фаолиятида. Қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилинди. Бирнинчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, бу қонунлар ўзлари вакл бўлган ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эга.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан айрим қайтарилган қонун лойиҳалари моҳияти, маъно- мазмуни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган бахс- мунозаралар демократик парламент ишини табиий соғлом шакли сифатида қарамоқ лозим.

Айниқса янгидан сайланган парламент сифат жиҳатдан янгича сиёсий ижтимоий шароитда фаолият юритиш аён бўлади. Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиш соҳасида мамлакатимиз олдида улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш каби ишларни изчил давом эттириш зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шаротда мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, тинч ва осойишта

ҳаётини сақлаш каби вазифаларни бажариш жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига ҳам боғлиқдир. Қушни Афғонистон 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаранинг хавф- хатари, минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликка нисбатан таҳдиди ҳам сақланиб қолмоқда. Шу боисдан Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида бу ҳолатни, можорани фақат ҳарбий йул билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи ўринга қўйди. Можорани сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида “6-2” мулоқат гуруҳини “6-3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифи илгари сурилган эди. Мазкур гаруҳга Афғонистонга чегарадошолти мамлакат:

Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон + АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. (1997-2001 йиллар). “6-2” мулоқат гуруҳини “6-3” мулоқат гуруҳига айлантириши, яъни унга НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш масаласини 2008 йилнинг 3 апрелида Бухарестда НАТО СТАН (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) 15-16 июнида Екатеринбург шаҳрида ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашларида бир неча бор. Президентимиз томонидан кўтарилган эди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча Афғонистонда кескинлик кучайиб бораётганлигини юртбошимиз яна бир бор таъкидлаб ўтди. Дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб амалий хулосаларга келмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон ҳам ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан 2010 йилда Ўзбекистон Афғонистонга етказиб бораётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан олти баробар оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва матахасислари томонидан “Термиз- Хайратон-

Мозори Шариф” темир йўлини қуриш ишлари бошланиб, у йил охирига қадар якунига етказилди.

Президентимиз умуман парламентнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида маъсулиятли катта эканлигига диққатни қаратди. Президент Ислом Каримов яна бир бор парламентимизда юксак ташаббускорликни қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса авволо улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларни нухта ва виждонли талаб даражасида адо этилишига асосий эътиборни қаратди. Қонунчилик палатасида ҳам Сенатда ҳам олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинишини охиригача нухта ишлаб чиқилишига ишонч билдирди. Шунингдек юртбошимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туришига асосий диққат қаратилди.

